O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 14 июль, № 135 (4034) Жума

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

Кўҳна Самарқандни дунёга таралган. Сабаби, ўша пайтлардаёқ бу ерда фан ва маърифат, диний ва дунёвий илм ривожланган. Мана ман деган улуғ алломалар, олиму фузалолар номи етти иқлимга маълуму машҳур бўлган. Кўплаб тарихий обидалар қаторида мадраса ва масжидлар қурилган. Шу боис ҳам жаҳоннинг не-не мамлакатлари вакиллари илм ва зиё истаб доимий равишда шу диёрга интилишган. Ва уларнинг аксари Самарқанд тупроғида мангу қўним топишган.

АЖДОДЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

«Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин тупроқ бўлиб қолаверади».

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида юртимизнинг муқаддаслигини ана шундай таъриф этгандилар. Ва улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоати, ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қудрати биз учун метин ирода, сабот-матонат, ғайрат ва жасорат бахш этадиган чексиз манба эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Дарвоқе, мустақиллик туфайли биз диний-дунёвий илмлардан қайта баҳраманд бўла бошладик. Улуғ бобокалонларимиз бой мероси билан эркин танишиш имкониятига эга бўлдик. Мамлакатимизда ошкора демократик ривожланиш жараёнида мусулмонлар учун дин эркинлиги борасида барча имкониятлар яратилганини эса чуқур қониқиш билан айтишимиз ўринлидир.

Ана шу фикрнинг исботини ўн беш йил мобайнидаги бекиёс ўзгаришларнинг ўзидангина англаш мумкин. Масалан, мустақилликкача вилоятда бор-йўғи 6 та масжид бор эди. Бугун эса жомеъ ва маҳалла масжидлари 285 тага етди.

Собиқ комфирқа даврида иттифоқ бўйича атиги 2 та диний-

(Давоми 2-бетда).

... Ҳар сафар намоз маҳали бугунги дориломон кунларимизнинг дуои-жонини қилганда Яратганга Ўзбекистон бахтига шундай доно йўлбошчини ато этганлиги учун дил-дилимиздан шукрона айтамиз. Шундай тарихий ва улуғвор ишларга гувоҳ бўлиш, унга даҳлдорликни ҳис этиш қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Илоҳим, эзгу ниятларда қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берсин, Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин.

КАРВОНЛАР ИЗИДАН БОРИБ

Мамлакатимизда меҳмон бўлган Марио Кох Ўзбекистонда кўрганлари тўғрисидаги ҳикоясини айнан шундай номлади. Унинг катта ҳажмли ушбу мақоласи учун Индонезияда инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли газеталардан бири — "Жакарта Пост" бутун бошли бир саҳифани ажратди.

"Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган дунёнинг энг қадимий шаҳарлари номини эсга олганда ҳар қандай инсонда тасаввурлар пайдо бўлади, "Минг бир кеча"даги тасвирлар бирин-кетин кўз олдидан ўта бошлайди. Бундай шаҳарлардан бири — Самарқанддир", — деб ёзади М. Кох.

Ўз сафарини Тошкентдан бошлаган индонезиялик журналистнинг қайд этишича, уни бу ердаги озодалик ва пойтахт кўчаларининг сарištалиги, янги қурилаётган ва тикланаётган биноларнинг улуғворлиги ҳамда муаллиф поезд билан Самарқандга жўнаб кетган Тошкент темир йўл вокзалининг қулай ва серҳашамлиги лол қолдирган. "Афсонавий дунёга" сафарини тасвирлар экан, у беихтиёр "қачонлардир ўтмишда бу йўллар бўйлаб савдогарлар туялар карвонини эргаштириб, Осиёни Европа билан боғлаганларини" тасаввур этади.

"Самарқандга етиб келишим, албатта, қўлида сеҳрли чироғи бўлган Аловуддин билан учрашувни англатмайди", — деб ёзади муаллиф Шарқ фольклор анъаналарига мурожаат этиб. У ушбу шаҳар тарихи тўғрисида батафсил ҳикоя қилар экан, унинг гуллаб-яшнашига ва сарҳадлари Ҳиндистондан то Ўртаер денгизи қадар ёйилган қудратли давлат пойтахтига айланишида буюк Темурнинг ҳиссаси улканлигини таъкидлайди. Ўша вақтда Самарқандда тўпланган моҳир уста ва ҳунармандлар, шунингдек, олимлар буюк ҳукмдорнинг ижодий ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, ажойиб меъморий улуғворликнинг бунёдкорлари бўлишди.

Одамлар билан бевосита мулоқот ва анъанавий шарқона бозорларга ташриф журналистга ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлигини ҳис этиш имконини берди. "Маҳаллий аҳоли ўта самимий бўлиб, ўзгаларга нисбатан бундай муносабат бошқа мамлакатларда камдан-кам кузатиладиган ҳолат, — деб қайд этади Кох. — Бу ерда ҳар бир инсон сизни бир пиёла чой ичишга таклиф этишга, анъанавий палов билан меҳмон қилишга ҳаракат қилади".

Муаллифнинг ранг-баранг фотолавҳалари гўё мақола индонезияликларни ушбу журналист изидан Ўзбекистонга саёҳат қилишга таклиф этаётгандай туюлади. Бу таклифдан фойдаланишга тайёр бўлганлар учун эса газета мақола ёнида визаларни қандай расмийлаштириш, мамлакатимизга қайси авиайўналиш билан тезроқ етиб олиш мумкинлиги тўғрисида ҳар қандай саёҳатчи учун қимматли бўлган маълумотларни ҳам чоп этади.

Иқболжон СОЛИЕВ.
"Жаҳон" АА.

Мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими мавсуми қизғин давом этмоқда. Айни кунларда юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, ана шу курашнинг гувоҳи бўласиз. Мутахассисларнинг эътироф этишича, заҳматкаш бободеҳқонларимиз ҳалол меҳнати эвазига яратилган ҳосилнинг чўғи ҳам, сифати ҳам кўнгилдагидек. Шу боис далалардаги шижоат, суръат бир фурсат бўлсин пасайгани йўқ. Асосий эътибор ризқ-рўзимизни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган.

Ғаллазордаги жасорат

Ғаллазор оралаб гувиллаб ишлаётган комбайнларни бир кузатиб кўринг-а. Уларни бошқараётган операторларнинг зум ўтмай донга тўлган бункерни бўшатишга чоғланаётганини кўрасиз. Фермерлару деҳқон хўжалиги эгаларининг юзида эса мамнуният аломатлари шундоққина сезилиб турибди. Негаки, рўзғорга барака кираяпти.

Таъкидлаш жоизки, кун сайин юксалиб бораётган эл-юрт хирмонига ҳар бир вилоят деҳқонлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Мисол учун, давлат омборларига ҳозирга қадар **Тошкент вилояти** деҳқонлари 268 минг 633 тонна, **сирдарёлик** ғаллакорлар 172 минг 967 тоннадан зиёд сара дон етказиб беришди. Республикамизда биринчи бўлиб тўлиқ фермерлик ҳаракатига ўтган **Жиззах вилояти** ғаллакорлари ҳам бўш келишаётгани йўқ. Улар қайта ишлаш корхоналарига 230 минг 600 тоннадан ошиқроқ дон сотишди. Шунингдек, **Самарқанд вилояти** заҳматкашлари 255 минг 930 тонна улуш қўшишди. Қолган вилоятларда ҳам меҳнат мароми пасайгани йўқ. Ҳамма жойда ялпи хирмонни 6 млн. тоннага етказиш марраси сари кураш кетмоқда.

Шу ўринда бир муқояса. Халқимизда нон бежизга мўъжиза дейилмайди. Унинг илоҳий неъмат эканлигига ҳам ҳаётимизда жуда кўп мисоллар топилади. Масалан, энг лаззатли таомни ҳар куни истеъмол қилиб кўринг-чи, кўнглингизга уради. Аммо нонда бундай эмас. Унинг мўъжизалиги шунда эмасми? Бугун мамлакатимиз далаларида ана шу мўъжиза яратилмоқда. Тандирларимиз тўлиб нон ёпилмоқда. Рўзғоримизга қут барака, ризқ-рўз инмоқда. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Илоҳим, шу кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИ ЗОМИН ЧОРЛАЙДИ

Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Ўриклисой" оромгоҳида "Биз — Президент фарзандларимиз" мавзуида Республика ёш ижодкорларининг анъанавий анжумани бошланди

Тадбир қатнашчилари Зомингa жўнаб кетиш олдидан пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйдилар.

— Анжуманимизнинг бу йил ана шундай хайрли ишдан бошланганидан барчамизнинг қалбимиз фахр ва ҳаяжонга тўлди, — деди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ёш шоира Дилфуза Маҳкамова. — Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ ва азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир.

— Биз, ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир яратувчилик ва бунёдкорлик ишларида ўз ифодасини топмоқда, — деди қорақалпоғистонлик қаламкаш Амангул Турдимуродова. — Кўрсатилаётган бундай ғамхўрликларнинг қадрига етишимиз, юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашимиз, ёшларга бўлган юксак эътиборга ҳалол ва фидойи меҳнатимиз, ижодимиз, аъло ўқишимиз билан жавоб бермоғимиз лозим.

Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган мазкур танлов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётир.

Ёшлар — Ватанимиз келажаги. Уларнинг ҳар томонлама камол топиши, мукаммал билим ва тарбия олиши давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан. Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг ёрқин далилидир.

Адабиёт соҳасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Ҳар йили Зоминда ёш ижодкорларнинг семинар-танловини ўтказиш хайрли анъанага айланган.

Ўтган вақт мобайнида танлов натижаси ўлароқ, кўплаб истеъдодлар кашф этилди. Қатор қаламкашлар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўнлаб ёшлар Олий адабиёт курсида таҳсил олмоқда. Зомин

анжуманида қатнашувчи ёшлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани танловнинг нуфузи йил сайин ошиб бораётганидан далолат.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари М. Мирзонинг таъкидлашича, ўнинчи марта ташкил этилган бу йилги анжуманда иқтидорли ёш шоирлар, носирлар, драматурглар, адабиётшунос-мунаққидлар, мутаржимлар иштирок этмоқда. Уларнинг ижодий ишлари уч кун мобайнида кўзга кўринган ёзувчи ва шоирлар, адабий нашрлар ва етакчи газета-журналларнинг бош муҳаррирлари томонидан атрофлича таҳлил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Алишер РИСҚИЕВ олган сурат.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг жорий йил биринчи ярмида олиб борган фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг бажарилиши, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар орасида содир этилаётган жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Жонибекова бошқарган йиғилишда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий тарғиботни кенг йўлга қўйиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг юқорида эслатилган фармони дастуриламал бўлмоқда. Ўтган олти ой давомида олти мингдан зиёд аёл иш билан таъминланди. Шаҳар ва туман меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 2 минг 240 нафар хотин-қизга ишсизлик нафақаси тайинланди.

Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида турли тадбирлар уюштирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш ҳамда "Маҳалла" жамғармалари кўмагида аёллар ўртасида ўтказилган стол тенниси, волейбол, баскетбол, бадиий гимнастика, шахмат-шашка мусобақалари шулар жумласидандир. Талаба қизлар орасида ўтказилган мусобақалар ҳам соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида миллий олимпиада ўйинлари ташкил этилгани, унда қорақалпоғистонлик аёлларнинг муваффақиятли иштирок этгани эътиборга лойиқ.

Йиғилишда айрим туманларда хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамон камаймаётгани танқид қилинди. Бундай салбий иллатларнинг олдини олишда хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада ошириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«Осиё тароналари» янгради

Пойтахтимизда «Осиё тароналари» халқаро болалар фестивали давом этмоқда

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маданият маркази каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Марказий Осиё давлатлари болалари иштирок этмоқда.

Халқаро фестиваль иштирокчилари пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

"Осиё тароналари" халқаро болалар фестивали минтақамиз ёшларининг ўзги таътил кунлари бирга ҳордиқ чиқариб, тасвирий санъат, миллий ҳунармандлик, мусиқа, рақс, нотиқлик санъати каби йўналишлардаги истеъдод қирраларини намоён этишида яқиндан кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Фестивалда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга улкан эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар фарзандларимизнинг пухта таълим-тарбия олиши баробарида саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида Республика ўқувчилар саройида ёш мусаввир ва

(Давоми 2-бетда).

АЖДОДЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дунёвий ўқув маскани — Бухородаги Мир Араб мадрасаси ва Тошкентдаги Имом ал-Бухорий номли ислом маъҳади фаолият кўрсатар, уларда талабалар қабули ниҳоятда чекланган эди.

Бугун эса фақат Самарқандда очилган Имом ал-Бухорий номли ҳадис илми марказида бир йўла 62 талаба таҳсил олаяпти. Марказ битирувчилари бутун мамлакат бўйлаб хизмат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Шўролар даврида Ҳаж сафарига бориш қанчалик мураккаб бўлганлигини ҳали унутганимиз йўқ. У пайтлари бутун собиқ иттифоқ бўйича бир йилда 20-22 нафар кишига Ҳаж зиёратига рухсат берилар эди. Ҳозир-чи? Мустақиллик барча эзгулик эшикларини очиб юборди. Биргина вилоятимизда ҳар йили 300 га яқин киши муборак Ҳаж сафарига бориб келаяпти.

Ҳали қуллик занжирлари парчаланмаган — 1990 йилда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Хартанг қишлоғида, Имом ал-Бухорий мақбарасида зиёратда бўлганликлари сира ёдимдан чиқмайди. Ўшанда у киши бизга қарата «Бу ерда эл-улус рози бўлиши учун нима иш қилишимиз керак?» дея савол бергандилар.

Биз вилоят миқёсида ободончилик ишларини бажаришимизни айтиб, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуини мусулмонлар идораси ихтиёрига ўтказиб беришларини сўрадик. Бу илтимосимиз бор-йўғи уч кун ичида бажо келтирилди.

Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда ўтказилган 600 йиллик тантаналарида Президентимиз Имом ал-Бухорий мақбараси ҳақида сўрадилар. Ва бу жойни обод қилиш борасида ўз режалари борлигини айтдилар.

Қарангки, Юртбошимиз мамлакатга раҳбар бўлиб келган йилларидаёқ ҳадис илмининг султони — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳларини обод этишни кўнгилларига жо этган эканлар. 1997 йилда бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори чиққандан сўнг бу ерда қисқа муддатда озмунча ишлар бажарилдими?

Эҳ-ҳе, бу ишлар кўламининг кенглиги, оддийгина кичик бир бино ўрнида донғи оламга ёйилган бетакрор ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши ўз-ўзидан бўлган эмас. Бугун эса бу қутлуғ зиёратгоҳга бутун дунё мусулмонлари интилишмоқда. Чунки Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Мустақиллик йилларида республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ислом маданияти ва илми ривожига муносиб ҳисса қўшган қанчадан-қанча аждодларимизнинг номлари улуғланди, уларнинг зиёратгоҳлари обод этилди. Жумладан, Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги муносабати билан улуғ аждодимиз мангу қўним топган Чокардиза қабристони ободонлаштирилиб, катта ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Унинг очилиш маросимида бутун дунё мусулмонлари вакиллари иштирок этишди. Юртбошимиз маросимда қатнашиб, Мотуридий меросини нима учун қадрлашимиз ҳақида батафсил фикр юритдилар.



Маҳдуми Аъзам ҳамда Хожа Аҳрори Валий зиёратгоҳларида улкан ҳажмдаги қайта тиклаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тайлоқ туманида ад-Даромий зиёратгоҳи барпо қилинди.

Мусулмон аҳлининг қутлуғ қадамжоларидан бири Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуини қайта тиклаш ва капитал реконструкция қилиш давлат аҳамиятидаги ишга айланди. Ёдгорлик мажмуи атрофидаги йўллар кенгайтирилди. Аждодлар руҳини шод этиш мақсадида қабристон тепасидан ўтган катта йўл бутунлай ёпилди. Унинг ўрнига Тошкент трассасига чиқадиган бир эмас, иккита кенг ва равон йўл барпо қилинди.

Бу каби эзгу ишлар давом этаётган бир пайтда Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши Ислом дининнинг асл инсонпарварлик моҳиятини асрашга хизмат қилди дейиш мумкин. Ана шу қарор асосида масжидларга коммунал тўловларда имтиёзлар берилди, мадрасалар битирувчилари дипломлари давлат стандартларига мослаштирилди, имомлардан олинадиган солиқ юклари камайтирилди.

... Ҳар safar намоз маҳали бугунги дориломон кунларимизнинг дуои-жонини қилганда Яратганга Ўзбекистон бахтига шундай доно йўлбошчини ато этганлиги учун дил-дилимиздан шукрона айтамиз. Шундай тарихий ва улуғвор ишларга гувоҳ бўлиш, унга дахлдорликни ҳис этиш қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Илоҳим, эзгу ниятларда қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берсин, Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин.

Усмонхон ОЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили, вилоят бош имом хатиби.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳунармандларнинг ижодий кўргазмаси ташкил этилиб, унда юздан зиёд ўғил-қизнинг тасвирий, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати йўналишларидаги ижод намуналари намойишга қўйилди. Мусиқа ва рақс йўналишида изланаётган ёшлар учун "Тароналар камалаги" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият марказида эса концертлар, дўстлик кечалари ташкил этилди.

Ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан бўлган учрашув ҳам фес-

«ОСИЁ ТАРОНАЛАРИ» ЯНГРАДИ

тиваль қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Болалар "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Пойтахтимиздаги муҳташам саньат саройлари, театрлар, музейлар, кутубхоналар, истироҳат боғларига саёҳатга бордилар.

Қозоғистонлик ўқувчи қиз Улжан Султонованинг айтишича, фестиваль доирасидаги барча тадбирлар, айниқса, болаларнинг тинчлик ҳақидаги тасаввурларига оид машғулоти унга жуда манзур бўлган.

— Юртингизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши — таълим-тарбия олиши, ўз истеъдодини тўла намоён қилиши учун барча шароит яратилганига гувоҳ бўлдик, — дейди у. — Замонавий мактаблар, лицей ва коллежларга ҳавас қилса, арзийди.

Халқаро фестиваль иштирокчиларнинг Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиши билан якунланади.

ЎзА.

Карор ва ижро

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Мамлакатимизда йўловчи ташиш транспорти соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Янгидан-янги йўналишлар ташкил этилиб, транспорт воситаларининг таркиби яхшиланмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Президентимизнинг жорий йил 18 январдаги «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Хусусан, мазкур ҳужжатларга мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташиш ҳуқуқига фақат юридик шахсларгина эга бўлди.

— Жамиятимизга 40 нафар ҳайдовчи бирлашган, — дейди «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» компаниясига қарашли «18-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги «Интилиш — оқ йўл» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зоҳид Муҳамедов. — Айни пайтда пойтахтимизнинг бир қанча даҳаларини боғлайдиган тўрт йўналиш бўйлаб йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатяпмиз.

«Интилиш — оқ йўл»да ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари — қатнов олдидан ҳайдовчини тиббий ва автотранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш бугунги талаблар даражасида йўлга қўйилган. Жумладан, «18-автобус саройи» томонидан ажратилган тегишли техник хизмат кўрсатиш парки янги ташкил этилган жамиятнинг автотранспорт воситаларини доимо техник соз ҳолатда сақлаш имконини бермоқда.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбири.

Маънавият зарралари

КЎЛМАК ЭМАС, ДЕНГИЗ БЎЛ

Яқинда болалигим ўтган жойларда бўлиб қайтдим. Кекса ўқитувчимиз оламдан ўтган экан, тиловат қилдим. Ўша зот билан бўлган бир воқеа хаёлимдан ўтди.

...Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирларида биз, қишлоқ мактабининг юқори синф ўқувчилари то ноябрь-декабрь ойларигача дала шийпонларида кўрпа-тўшак қилиб олган ҳолда пахта терардик. Баъзан ташқари бир қарич қор бўларди. Кечалари совуқда қалтираб, бир-биримизнинг пинжимизга кириб тонг оттирардик. Кунлардан бирида дўстим Ғулом таклиф қилиб қолди:

— Кўраётган қийинчиликларимиз ҳақида бир газетага ёзмаймизми? Матбуот — қудратли куч. Ҳар ҳолда, фойдаси тегиб қолса керак.

Айтганимиздай қилдик. Бир ҳафтадан сўнг туман газетасида танқидий мақоламиз босилиб чиқди. Унда биз кечалари тунаб қолаётган шийпонимиз ўта совуқ эканлиги, бирон-бир ғамхўр одам ўтин-кўмир олиб келишни ўйламаётгани ҳақида ёзгандик. Ҳамма айб пахта теримида бизга раҳбарлик қилаётган ўқитувчимиз, яъни синфимиз раҳбарига юкланган эди...

Мақола босилиб чиққач, бизни ўша ўқитувчимиз сўроқлаётгани ҳақида айтишди.

— Домла жуда баджаҳл одам. У энди сен билан мени ейди, — деди Ғулом даг-даг титраб, — тайёргарлигингни кўравер...

Лекин ўқитувчимиз бизни жуда илиқ кутиб олди.

— Бундай камчиликлар ҳақида газетага ёзиб, жуда тўғри иш қилгансизлар, — деди оғирбосиқлик билан, — лекин битта хатоликка йўл қўйибсизлар. Ўқувчиларни ўтин-кўмир билан таъминлаш мактаб ўқитувчиларидан кўра кўпроқ колхоз идорасида ўтирган боқибеғамларнинг вазифаси. Ўшаларнинг исм-шарифини тилга олганларингда яхши бўларди.

Бир-икки кундан кейин шийпонга ўтин ҳам олиб келинди, кўмир ҳам. Бу воқеа тез кунда унут бўлиб кетди. Аммо ўша ўқитувчимиз бизнинг пўстагимизни қоқмаганлиги, жаҳл устида уриб-туртиб юбормаганлиги, бир сўз билан айтганда, бағри кенглиги умр бўйи ҳаёлимизда муҳрланиб қолди.

... Француз ёзувчиси Виктор Гюго шундай ёзган эди: «Ҳар бир кишининг учта характери бўлади: бошқалар унга нисбат бергани, унинг ўзи ўзимники деб билгани ва ниҳоят, унинг ҳақиқий характери». Мен инсоннинг ўша ҳақиқий характерига мардлик, олижаноблик, чин одамийлик хислатлари жо бўлган мисолларга анча-мунча дуч келганман. Бу ҳақда ўқиганман, эшитганман, баъзиларига ўзим гувоҳ бўлганман.

Мирзачўлни ўзлаштириш қаҳрамонларидан бири, машҳур раҳбар Собиржон Сиддиқов билан ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошларида бот-бот учрашиб турардик. Қалби сахий, юраги кенг одам эди йўқ...Шунда яқин оғайниларим маслаҳат беришди: «Сен Сирдарёга бор. Ўша ерда ўзимизнинг чинободлик Собиржон ишлаяпти. Бу ерда иши юришмаган андижонликларни ўз ёнига чақириб олиб, бағрига босаяпти, бошини силаяпти». Шу гап билан келдим, ука. Агар қўллаб юборсангиз, ўзимни бироз тиклаб олсам, то ўла-ўлгунча бу яхшилигингизни унутмаган бўлардим...

Шу пайт ногоҳ Собиржон аканинг юзи ёришиб кетгандай бўлди. Чамаси ниҳоят эслади. Хиёл жилмайди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, Маннонбой ака, — деди ниҳоят, — бирраҳматлик. Бир воқеа ёдимда қолган.

> ***— Навоий бобомизни эсланг, — деди Собиржон ака, — «Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл...» Ҳа, ука, мабодо, мен бу одамга унинг хатти-ҳаракатларини қайтарадиган бўлсам, юраги тор, кўлмак одамнинг ишини қилган бўлардим. Инсон деганнинг эса юраги кўлмак эмас, дарё, денгиз бўлмоғи керак.***

Кунлардан бирида Собиржон ака бош бўлган «Фарғона» худудий ишлаб чиқариш бирлашмасининг дала ҳовлисида Собиржон ака иккимиз суҳбатлашиб ўтирардик. Кўча дарвозаси томондан анча юпун кийинган, ёши олтмишларга бориб қолган бир киши кириб келди.

— Мен Собиржон билан гаплашмоқчи эдим, — деди у қимтинибгина.

Собиржон ака унинг кўзига диққат ила тикилиб қолди. Чамаси ниманидир эсламоқчи бўлди.

— Собиржон мен бўламан. Нима гапингиз бор эди?

— Биласизми, ука, — синиқ овоз билан гап бошлади ҳалиги нотаниш одам, — мен Андижондан келдим. Аниқроғи, сизнинг юртингиз Чинободдан. Бир вақтлар анча мартабали одам эдим. Каттагина ишда ишлардим. Лекин одамдан омад бир кетса кетаверар экан... Бир иш туфайли қамалиб кетдим. Қайтиб келсам, уйда егулик бирор нарса қолмаган. Ёдгорлик мажмуи атрофидаги йўллар кенгайтирилди. Аждодлар руҳини шод этиш мақсадида қабристон тепасидан ўтган катта йўл бутунлай ёпилди. Унинг ўрнига Тошкент трассасига чиқадиган бир эмас, иккита кенг ва равон йўл барпо қилинди.

Бу каби эзгу ишлар давом этаётган бир пайтда Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши Ислом дининнинг асл инсонпарварлик моҳиятини асрашга хизмат қилди дейиш мумкин. Ана шу қарор асосида масжидларга коммунал тўловларда имтиёзлар берилди, мадрасалар битирувчилари дипломлари давлат стандартларига мослаштирилди, имомлардан олинадиган солиқ юклари камайтирилди.

... Ҳар safar намоз маҳали бугунги дориломон кунларимизнинг дуои-жонини қилганда Яратганга Ўзбекистон бахтига шундай доно йўлбошчини ато этганлиги учун дил-дилимиздан шукрона айтамиз. Шундай тарихий ва улуғвор ишларга гувоҳ бўлиш, унга дахлдорликни ҳис этиш қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Илоҳим, эзгу ниятларда қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берсин, Ватанимиз гуллаб-яшнайверсин.

Усмонхон ОЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили, вилоят бош имом хатиби.

G8 саммити:

Бош мавзу – глобал энергетик хавфсизлик

Жорий йил 15-17 июль кунлари Санкт-Петербург шаҳрида Россия мезбонлигида «Катта саккизлик» давлатларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади.

Етакчи давлатлар раҳбарларининг учрашувида нималар муҳокама қилиниши кутилаётгани ва биринчи бор Россия раислигида ўтказилаётган мазкур саммит дунё аҳлига нима бериши хусусида гапиришдан олдин ташкилотнинг ўзи хусусида тўхталиб ўтсак. Ушбу клубга иқтисодий жиҳатдан нисбатан ривожланган мамлакатлар — Россия, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Япония, Италия ва Германия аъзо. Одатда клубни дунё демократик иқтисодий тизимининг «директорлар кенгаши» ҳам деб аташади. Қизиғи шундаки, ҳар йили анъанавий тарзда саммити ўтказиладиган мазкур клуб халқаро ташкилот мақомига эга эмас ёки бирор халқаро тузилманинг органи ҳам ҳисобланмайди. У ҳеч бир халқаро шартномага асосланмаган. Унинг доимий фаолият кўрсатадиган, учрашувларни мувофиқлаштирувчи ва кун тартибига қўйиладиган масалалар хусусида таклифлар киритадиган қароргоҳи ёки доимий котибияти ҳам йўқ.

Шунга қарамай, уни дунёдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни мувофиқлаштириб турувчи «Катта саккизлик» давлатлари клуби дея эътироф этишади. Саммитлар норасмий шаклда ўтказилсада, кўплаб халқаро масалаларни ҳал этиш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинади. Унинг бу борадаги фаолияти жиҳатидан мавқеини Халқаро валюта фонди ва Жаҳон савдо ташкилоти билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Шу ўринда қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратишни лозим деб билдик: жаҳонда экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг 49 фоизи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 51 фоизи, Халқаро валюта фондининг 49 фоиз активлари «Катта саккизлик» гуруҳига аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Дунё иқтисодиётининг деярли ярмига эгалик қилаётган ушбу нуфузли ташкилотнинг таъсир доирасини шундан ҳам билса бўлади.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида бутун дунё бўйлаб юз берган молиявий инқироз етакчи мамлакатларни ҳам четлаб ўтмади. Шундан сўнг сиёсатчилар бундан буёғига ҳар ким ўзича ҳаракат қилиши, шубҳасиз, глобал инқирозларга олиб боришини англаб етишди. Мавжуд вазияттдан чиқиш йўлларини муҳокама қилиш мақсадида дастлаб 1973 йилда АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Франция давлатлари молия вазирлари учрашиб, дунёдаги молиявий вазиятни норасмий муҳокама қилдилар. Кейинроқ бу гуруҳга Япония ҳам қўшилди. 1975 йилга келиб Франция Президенти Жискар д'Эстен ва Германия канцлери Гельмут Шмитд (иккаласи ҳам давлат ва ҳукумат раҳбарлиги курсисини эгаллашидан олдин молия вазирлари бўлишган) етакчи давлат раҳбарларини яқиндан мулоқотга киришиш учун норасмий учрашувга таклиф этгандилар. Ушбу саммит Рамбуйе шаҳрида (Франция) АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия ва Япония етакчилари иштирокида бўлиб ўтди.

Саммитда муҳокама қилинадиган бош масалалар мезбон давлат томонидан белгиланади. Ўтган давр мобайнида умумий қизиқишлардан келиб чиққан ҳолда «Катта саккизлик» аъзолари интеграциялашув, жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш, ташқи сиёсий масалалар, давлатлар ўртасидаги зиддиятли ва баҳсли муаммоларни ҳал этиш, нисбатан камбағал мамлакатлар иқтисодиётига ёрдам бериш, очарчиликнинг олдини олиш, экология ва шу каби бошқа масалаларда ўзаро бир-бирини англаган ҳолда муҳим қарорлар қабул қилди.

1991 йилда «еттилик» учрашувига Россия ҳам таклиф қилинди. 1994 йилда Москвада бўлиб ўтган навбатдаги саммит «7+1» шаклида ўтказилиб, ундаги ядро хавфсизлиги масаласи муҳокамаларида Россия ҳам фаол иштирок этди. 1998 йилга келиб Бирмингем (Англия)даги саммитда «Катта еттилик» расман «Катта саккизлик»ка айлантирилди, яъни Россия клубнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Санкт-Петербургда бўлиб ўтиши кутилаётган саммитнинг асосий иш куни 16 июлдан бошланади. 17 июль куни Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Мексика ва Жанубий Африка Республикаси «Катта саккизлик» аъзолари иштирокида бўлиб ўтадиган муҳокамаларда қатнашади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти номидан Қозоғистон Президенти, Африка иттифоқи ташкилоти номидан Конго Президенти иштирок этади. Бундан ташқари, БМТ, Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО раҳбарлари ҳам маслаҳатлашувларда фаол қатнашадилар.

Саммит ташкилотчиси сифатида Россия бу галги юқори даражадаги учрашувларда глобал энергетик хавфсизликни таъминлаш масаласини музокараларнинг бош мавзуси этиб белгилади. Россия Президенти Владимир Путиннинг таъкидлашича, бугунги даврга келиб ҳеч бир давлатни четлаб ўтмайдиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатадиган бу муаммо ҳақида жуда чуқур мушоҳада қилиш лозим.

Учрашувда дунё бозоридаги нефть ва газ нархлари, халқаро энергетика бозорини барқарорлаштириш масалалари ҳам қизғин муҳокама қилиниши кутилаяпти. Бундан ташқари, юқумли касалликларга қарши кураш ва халқаро таълим масалалари ҳам муҳокама мавзулари қаторидан алоҳида ўрин эгаллаган.

Одатда, саммитда бош мавзу ташкилотчи давлат томонидан белгиланса-да, музокаралар давомида ушбу йўналиш ўзгариб кетиши мумкин. Ўтган йил Гленглиз-(Шотландия)да бўлиб ўтган саммитда Африкадаги қашшоқ мамлакатларга молиявий жиҳатдан ёрдам бериш масаласи асосий мавзу қилиб белгиланганди. Бироқ саммит очилиши арафасида Лондонда амалга оширилган бир қатор террорчилик ҳаракатлари давлат раҳбарларини яна бир бор халқаро терроризмга қарши курашни янада жадаллаштириш лозимлиги тўғрисида жиддий ўйлаб кўришга мажбур қилди.

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бир неча шартномалар пакети тайёр бўлганлигини ва улар бугун инсоният олдидаги турли глобал муаммоларнинг тўғри ечим топишида муҳим аҳамиятга эгалигини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, кун тартибидан, шунингдек, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақавий зиддиятлар масалалари ҳам жой олган.

Юнус БЎРОНОВ,
«Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази эксперти.

Дабдабага ҳожат йўқ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда тўй-ҳашамларни дабдабали ўтказиш одат тусига кириб бораётганлигини эътироф этиб, бундай ҳолатларга барҳам бериш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.

Тадбирда таъкидланишича, маҳалла, фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари, ташкил этилган тўй комиссияси раислари тўй ва маросимларни ихчам ўтказиш борасида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларини кучайтиришлари лозим.

«Туркистон-пресс».

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

28 минг аҳолиси бўлган Қорақўрғон қишлоғининг «Бозорбоши» ва «Қорақўрғон» маҳаллалар хотин-қизлари, ўқувчи-ёшларини бир инсон ёппасига ҳунарманд этиб юборди. Қолган саккизта маҳалла хонадонларида ҳам юмшоқ, иссиқ рўмол тўқийдиган, «Ангор» эчки юнгларини майинлаштириб, йигирадиган ихчам қўл жиҳозлари бирин-кетин пайдо бўлмоқда.

Саидабдулазиз ота, сабаби тирикчилик, қолаверса, сайру саёҳат деганларидай, тоғликлар юрти — Кавказ томонларга йўли тушиб, пухли рўмол тўқиётган хотин-халажлар ишига қизиқиб қолди. Кўрдики, бу юмуш ёш танламас экан. Қўлидан иш келадиган бола-бақра борки, опалари, оналари ёнига кириб, юнг йигирар, калавага айланган майин юнгни текислар ва уларга турфа ранг берарди. Тўқув жиҳозларининг оддий, бунинг устига, ихчамлиги Саидабдулазиз отани сеҳрлаб қўяди.

ҲУНАРМАНДЛАР ҚИШЛОҒИ

— Қиз бола учун чеварликдан ортиқ яхши ҳунар борми? — деди ўзига-ўзи. Сафардан қайтаётганида эса олтинчи синфда ўқийдиган қизи Райҳонага атаб рўмол тўқийдиган қўл дастгоҳи, юнг йигирув жиҳози харид қилди.

Бу воқеага ҳам анча йиллар бўлди. Тўқиш ва йигириш жиҳозларини қунт билан ўрганган Райҳона қишлоқ ва атроф маҳаллаларда яшовчи аёлларга сифатли ва бежирим рўмоллар тўқиш сирларидан сабоқ берди.

Хизмат тақозосига кўра, Қорақўрғонда кўп бўлганман. Юртга ўхшаши йўқ шоир Муҳаммад Юсуфни берган, қишин-ёзин шудгордан оёғини узмаган Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Алматовни элга танитган, одамларни бир бурда нонни меҳнат қилиб топишга ўргатган, тинч, осуда ўтаётган ҳар бир кун учун шукрона айтиб яшашга одатлантирган азиз гўша бу.

Ҳаловатни меҳнатдан, тўқликни тиниб-тинчимасликдан, деб билди қорақўрғонликлар! Қишлоқдагина эмас, бутун Марҳамат туманида қаддиям, қадриям бирдай тик бўлган Зокиржон Азаматов бирор ердан бойлик топиб олгани йўқ. Аксинча, ўзини паррандачиликка урди. Бир қисми сергўшт, яна бир қисми кўп тухум берадиган наслли товуқлар парваришини йўлга қўйди. Ҳозир унинг тасарруфида 1,5 минг та товуқ бор. У билан изма-из бораётган Муҳаммаджон Исаҳонов 700 та ўрдак боқаяпти. Ваҳобжон Мамажонов эса асаларичилик билан шуғулланмоқда. «Гаргар» ва «Жийдамозор» маҳаллаларида истиқомат қилаётган Каримжон Камолов, Тоҳиржон Қориев, Икромжон Парпиевлар чорбоғидаги узумни баҳорнинг ўрталаригача сақламаса, ўзларини боғбон ҳисобламайдилар.

— Тўқсон фоиз аҳоли узумчилик билан шуғулланади, — суҳбатга қур ташлайди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадзокир ҳожи Эргашев. — 3850 хонадон ўз чорвасига эга. Сут-қатиқ излаб шаҳарга бормаймиз. Ўзимиздан чиқади.

Бироз бўлса-да, мавзудан четга чиқиб кетдик, яна меҳнаткаш, жонсарак қорақўрғонликлар отахони Саидабдулазиз ота билан дилкашлик қилгимиз келади. Тандирдан ҳозиргина узилган нонни ушатиб, чой ҳўплаётган Саидабдулазиз ота Зокировга зимдан назар ташлайман. Чуваккина, буғдойранг юзларида офтоб кулиб турибди. Тетик, бардам. Истиҳолага бориб, ийманиб, хижолатомуз ёшини сўрайман.

— Пайғамбар ёшига етганимга йигирма бир йил бўлди, — дея жавоб қилди у. — 27-мактабда ўн саккиз йил бошланғич синф ўқувчиларига дарс бердим. Йигирма йил математиклик қилдим.

Бир ҳафтада бутун қишлоқ бир бўлиб, 550-600 та рўмолни қўлдан чиқарамиз. Ўз гузаримиз бор. Шанба кунлари бозор харидорга тўлиб кетади. Қорақўрғоннинг пухли рўмоллари Туркия, Хитой, Россия, Қозоғистондаям қўлма-қўл.

— Бир сирни айтсам, домла пенсия пули олмайдилар, — гап ташлади маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Юнусалиев. — Шукр, топганим ўзимга етади, муҳтожларга беринглар, дея саховат кўрсатадилар.

— Тўғри-да. Ҳунармандни қўлидан ташқари оёғиям боқади. Ойламиз ҳунарманд. Кампирим ип йигириб беради. Қизим билан келиним тўқийди. Икки кунда битта рўмол тайёр бўлади.

— Райҳона-чи?

— Турмушга узатганмиз. Ўзидан тинч. Келин бўлиб тушган уйдагиларнинг ҳаммаси рўмол тўқишни ўрганиб олган.

— Ҳунарда хосият кўп экан, — суҳбатга қўшилди Муҳаммадзокир ҳожи Эргашев. — Қизим Дилдорахон олтинчи синфда ўқиётганида шу касбни ўрганди. Мактабдалигидаёқ бутун келинлик сепини ўзи қилди. Оғири тушмади. Яна бир қизим Дилоромхон ҳам бинойидек тўқувчи бўлиб қолди. Топгани рўзғорга яраяпти.

— Пухли рўмолларни яқин-яқиндаям Россиянинг Оренбург, Уфа, Саратов шаҳарларидан олиб келардик, — ҳикоя қилади Саидабдулазиз отанинг биринчи шогирдларидан Норбой Норбўтаев. — Устозимиз шу ишни бошлаб бергач, ўша томондагилар энди биздан рўмол олиб кетишаяпти. Буюртма устига буюртма олаяпмиз. Бир ҳафтада бутун қишлоқ бир бўлиб, 550-600 та рўмолни қўлдан чиқарамиз. Ўз гузаримиз бор. Шанба кунлари бозор харидорга тўлиб кетади. Қорақўрғоннинг пухли рўмоллари Туркия, Хитой, Россия, Қозоғистондаям қўлма-қўл.

— Хомашё масаласи қандай ҳал этилаяпти?

Бу саволимизга шу касб орқасидан ўғил уйлаб, уч қизни турмушга узатган Турсуной опа Насриддинова «Ангор» эчкиси бир йилда беш килога етказиб юнг беради. Биласиз, бу жонивор Наманган вилоятининг Поп тумани кенгликларида боқилади. Хомашёни попликлар келтириб беради», дея жавоб қилди. Кейин қўшиб ҳам қўйди:

— Устозимиз Саидабдулазиз ота бир пайтлар 150 тага етказиб, «Ангор» эчкисини боқиб ҳам кўрди. Бироқ емхашак масаласида қийналиб қолди. Ўша пайтдаги маҳаллий раҳбарлар уни қўллаб-қувватлаганида борми, эҳтимол, бутун туман мол-қўйга ёлчиб, ҳунарманд бўлиб кетармиди?

Бизни яна бир ҳунарманд — Мамарозиқовлар хонадонига бирров кириб ўтишга таклиф этишди. Алвон гулларга бурканган уй олдида тўхтадик.

— Бу — қизимиз Юлдузхоннинг гуллари, — фахр билан гапирди Муҳаммаджон ака. — Серҳаракат, абжир қиз. «Аъло» баҳоларга ўқийди. Яхшигина ҳунарманд бўлиб қолди. Кўрадаги икки бош қўйгаям ўзи қарайди. Уй ичидагилар 40 грамм ипак қуртидан 180 кило пилла топширишди. Бундаям Юлдузхоннинг улуши бор.

Томорқага разм соламиз. Тўрт сотихни эгаллаган майдондаги картошка пишиб етилган. Ҳовли этагидаги дарахтларнинг баргидан меваси кўп. Улар — қут-баракадан нишона.

Бир одам ариқ қазиб, сув келтирар экан-у, роҳатини чор-атрофдагилар кўраркан. Яхшилик улашиб яшашни бахт деб билган инсонлар экиб қолдирган дарахтлар-чи? Мошгуруч соқоли нурли чеҳрасига тағинда улуғворлик, кўркамлик бағишлаб турган Саидабдулазиз ота ариқ чиқариб, дарахт кўкартирибгина қолгани йўқ. Бутун қишлоқ аҳлига ҳунар ўргатишдек савобга сазовор бўлди.

Хайрлашув чоғида қишлоқ оқсоқоли яна бир янгиликдан воқиф этди. Уй-жой қуриш учун одамларга 21 гектар ер ажратилди, қишлоқ аҳли қабристонларни ёппасига ободонлаштиришга киришибди.

Ахир эртанги кунга умид ва ишонч билан қараган одамгина иморат тиклаб, ўз гўшасини обод, чароғон қилади-да.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ҚУЙИДАГИ КИМЁВИЙ РЕАГЕНТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН 04/06-СОНЛИ *ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

Лот №1.	Циклогексан ГОСТ 14198-78 (олий нав)	- 800,0 тн.
Лот №2.	Пеларгоник кислота	- 111,918 тн.
Лот №3.	Катализатор CAB VTI 80/20 (окситрихлорид ванадия/ тетрахлорид титана, 80/20	- 12,742 тн.
Лот №4.	Катализатор TEA (CT) (триэтилалюминий)	- 13,672 тн.
	Катализатор DEAL-E (диэтилалюминий этоксид)	- 4,945 тн.
	Катализатор DEAC (диэтилалюминий хлорид)	- 4,580 тн.
Лот №5.	Присадка Tinuvin 622 LD	- 36,0 тн.
	Присадка Chimasorb 81	- 9,0 тн.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қишлоғи. Тел.: (998 75) 221-00-19, 221-15-64. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: shghk@uzpak.uz

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 9116-ҲАРБИЙ ҚИСМИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича такроран танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Буюртмачининг нархи (минг сўм)	Қурилиш муддати
1.	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида жойлашган 9205-ҳарбий қисм ҳудудида 50 ўринга мўлжалланган казарманинг қайта таъмирланиши ва қурилиши	195 044,01	5 ой

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси 9116-ҳарбий қисми.
Манзил: Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 12-уй. **Телефонлар:** 223-66-64, 223-02-16.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга ва материаллар захирасига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.
Телефон: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй**, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биносининг 2-қават, 18-хонасида, соат 10.00 да.

2928R/1293

Истиқболга интилган ёшлар



Бугунги ёшларга ҳавас қиладиганлар кўп. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол шундай имконият яратдики, энди ўғил-қизлар қайси касбни танласам экан, дея хуноб бўлиб юрмайди. Аввалгидек, ўқув юртлари тақчил эмас. Бинобарин, вилоят ва туман марказларида барпо этилган замонавий коллежларда барча соҳалар бўйича таҳсил олиш мумкин.

Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ҳам ана шундай серқирра таълим муассасаларидан. Бу ерда ёшлар саккиз йўналиш бўйича йигирмага яқин касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Хусусан, автомобилда юк ташиш, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ахборот коммуникация технологиялари каби соҳаларни малакали мутахассислар билан таъминлашда ушбу коллежнинг алоҳида ўрни бор.

Маълумки, ушбу ихтисосликлар бўйича таҳсил олишда назарий билимларнинг ўзи камлик қилади. Шу боис таълим масканида ўқув жараёнининг 50 фоизини амалий машғулотлар ташкил этади. Бунинг учун тўртта амалиёт хонаси, устахоналар, шунингдек, қирқдан ортиқ ихтисослашган ўқув хоналари ва фан кабинетларида зарур шароитлар яратилган.

Ўқувчилар ҳам бундай эътиборга муносиб жавоб беришаяпти. Республика миқёсидаги бир қатор кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, халқаро грантларга сазовор бўлмоқдалар. Энг муҳими, ўз мутахассисликлари бўйича фаол инсонлар бўлиб етишишаяпти.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

«Эрудит» ижодий маркази» масъулияти чекланган жамияти томонидан бугунги кунда еттита газета чоп этилмоқда. Уларнинг умумий адади салкам 200 минг нусхани ташкил қилади.

«Бекажон» — грант соҳиби

«Бекажон» — мазкур жамиятнинг энг оммавий нашри. Оила бекаларига мўлжалланган ушбу газета аллақачон ўз ўқувчиларини топиб олган. Буни газета ҳозирда салкам юз минг нусхада чоп этилаётгани ҳам исботлаб турибди. «Бекажон»да асосан жамият ҳаётида аёлнинг роли, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оиладаги муносабатлар каби мавзулар кенг ёритилади.

Яқинда газета Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фондининг уч миллион сўмлик гранти соҳиби бўлди. Нашр жамоаси ушбу маблағга газетанинг Интернетдаги веб-сайтини очмоқчи.

Динора АЛИЕВА.

«Соҳибқирон» саҳнада

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ижодкорлари Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб шоир Ш. Раҳматуллаевнинг «Соҳибқирон» шеърий асарини саҳналаштирди.

Спектаклдаги бош қаҳрамон — Амир Темур ролини иқтидорли артист Раҳим Мамадалиев маромига етказиб ижро этди.

Мазкур шеърий драмада буюк саркарда ҳаёти, она-замин, табиат ва инсон уйғунлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Асар воқеалари саркарда ҳаётининг сўнгги йилларини қамраб олган. Икки манзарадан иборат саҳнавий кўринишдаги шеърий ривоятда бобомизнинг нафақат саркардалик фаолияти, балки оддий одамлар, ижодкорлар, жумладан, Ҳофиз Шерозий билан бўлган мулоқотлари орқали Соҳибқиронинг инсоний фазилатлари очиб берилган.

Рустам ҲАЙДАРОВ.
«Туркистон-пресс».

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Газеталарни варақлаганда

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози», 13 июль.
Номоз Саъдуллаев, «Эътиқод»:

«...Эътиқодни деворга осиб, кўз-кўз қилолмайсиз. Унинг тарғиботи мақсадга эришишнинг ижодий йўлини кўрсата билмаса, ҳеч нимага хизмат қилмайди. Агар у сизни эзгу ишларга бошламаса, энг зўр майллару истаклар ҳам уч пул. Кимки, одамлардаги самимий, чуқур, беғараз, холис эътиқодларни рад этгудек бўлса, унда қачон бўлмасин (эртами-кечми) ҳаёт фалсафаси унинг ҳам ўзида ҳеч қандай эътиқод йўқлигини барибир ҳар жиҳатдан асослаб беради...»

«Фидокор», 13 июль.
Иброҳим Норматов, «Хайр-эҳсон савоби»:

«Садақа, хайр-эҳсон, закот, саховат, меҳр-оқибат, сахийлик, мурувват — буларнинг ҳаммаси эзгулик. Инсониятни эзгулик қутқаради. Эзгулик бор жойда ёвузлик чекинади. Биз эзгуликнинг кўрки бўлган хайр-эҳсон ва меҳр-мурувват ҳақидагина фикр юритдик. Булар миллатимизга хос ва маънавиятимизга мос фазилатлар. Улар бугунги ҳаётимиз мазмунини ташкил этиши юртимиз обод, умримиз зиёда бўлишининг кафолатидир. Илоё, эзгулик ҳар биримизга насиб этсин!»

«XXI аср», 13 июль.
Умид Арслонбеков, Шерзод Эралиев, «Қалтис ўйин»:

«Маълумки, ҳозирги кунда инсон онги ва қалбини забт этишга қаратилган курашлар тинмаяпти. Рангли пардаларга ўралган сиёсий қарашлар, у ёки бу мамлакатнинг, миллатнинг миллий манфаатларини ерга уриш ҳисобига ўз манфаатини юқори қўяётган, ерости ва ерусти бойликларини эгаллаш мақсадида ҳар қандай воситалардан фойдаланиш, афсуски, ана шу курашлар жараёнининг ёзилмаган қоидаларига айланиб қолди.»

«Тошкент оқшоми», 13 июль.
Шарифа Илёсова, «Хизматдан бахрамандмисиз, ҳақини тўланг»:

«Ахир сиз тўлаётган пул — ушбу маблағ электр тармоқлари тизимини мустаҳкамлашда, истеъмолчиларга ёруғлик улашишда заҳмат чекаётган нурчиларга маош тўлашда муҳим аҳамият касб этиб, ўзингизга сифатли хизмат бўлиб қайтади. Азал-азалдан ота-боболаримиз ҳам қарздорлик энг ёмон одат эканлигини қайта-қайта таъкидлашиб, «Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин» дея алоҳида таъкидлашган.»

«Оила ва жамият», 13 июль.
Мирзамир Мирзашарипов, «Раҳм айланг, уйи бузилмасин...»:

«Икки дўст — икки қуда ўзаро келишиб, муроса қилишса, дўстлик ришталари қаттиқроқ боғланади. Ип қанча узун бўлмасин, барибир учи топилади... Чунки катталарнинг ақли нур бўлади. Ва биз уларга: уйи — оиласи бузилмасин, икки ёш бахтли турмуш қилишиб, қўша қаришсин, деймиз.»

«Диёнат», 13 июль.
Шавкатжон Раҳимов, «Виждон бой берилса...»:

«Таассуфки, инсон табиатида шундай қусур бор: эгри ишга қўл ураркан, қилмишимни биров кўрмаяпти, сезмаяпти, деб ўйлайди. Ана шу қусур кўпчиликни жиноят сари ундайди. Қинғир ишнинг, эртами-кеч, қийиғи чиқиши эса ҳаётда неча бор исботини топган.»

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган



турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри қайқали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Одам бировларнинг суҳбатига атайлаб қулоқ солмайди. Лекин шундай пайтлар ҳам бўладики, масалан, жамоат транспортида, беихтиёр икки кишининг гап-сўзини эшитиб қоласиз. Куни кеча шундай ҳолат юз берди. Трамвайда мендан олдинги ўриндиқда ўтирган икки аёлнинг мулоқоти диққатимни тортди. Уларнинг бири иккинчисига зўр бериб уқтирарди:



ЙЎЛЛАНМАСИ АРЗОН, шифоси бебаҳо

— Аввалига ўзим ҳам ишонмаган эдим. 25-30 мингга 10 кун давомида даволаниш сув текин деган гап-ку. Рўпара қўшним бориб келганидан сўнг, мен ҳам катта ўғлим билан Фарғона туманида жойлашган "Чимён" профилакторийсига қараб йўл олдим. Йўлланмани ўша ернинг ўзида ҳам сотиб олиш мумкин экан. Бир пайтнинг ўзида ҳам маза қилиб дам олдим, ҳам даволандим. Ўшандан бери, кўз тегмасин, белимнинг боди безовта қилгани йўқ. Энди ҳар йили бир боришни дилимга тугиб қўйдим. Мундоқ қарасам, 30 минг сўм қайларда ҳам қолиб кетмайди. Кейинги сафар, борсангиз, сизни ҳам олиб кетаман, зора, бош оғригидан қутулиб қайтсангиз.

Масъулияти чекланган "Чимён" профилакторийси мўъжазгина Чимён нефть кони шаҳарчасида жойлашган. Икки томони қир-адирлар билан ўралган йўлдан шаҳарчага кириб борганларни биринчи бўлиб ҳовлиларга сиғмасдан, беҳи, ўрик ва анор шохлари қаршилайди.

Профилакторийнинг ҳовлиси каттагина боғдан иборат. Турли-туман мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар ва райҳонлар орасидаги ўриндиқларда даволанувчилар шахмат-шашка ўйнаб, китоб ўқиб ёхуд ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Атроф ёғ тушса, ялагудек саришта. Жазирама паллада ариқчаларда оқиб турган ва ерга сепилган сувлар салқини танга ором бағишлайди.

Бош шифокор Маҳмуджон Шамсиддинов билан бўлимларни айланамиз. 120 ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳнинг учта бўлимида қатъий тартиб-қоидалар амал қилади. Шифокорлар билан ҳамшираларнинг беморлар кўнглига қараб муомала қилиши одат тусига кириб қолган. Муолажани кечиктирган ҳамширага нисбатан жазо чоралари белгиланган. Юра олмайдиган беморларни аравачада муолажага, сайрга олиб боришади. Тўрт нафар шифокор билан 20 нафар ҳамшира беморларнинг яқин кишисига айланиб қолган десак, хато қилмаган бўламиз. Айниқса, Анвар Дўстматов, Шоҳиста Мўйдинова, Ўғилхон Мамажоновалар ҳақида гап кетганда, катта-ю кичикнинг оғзидан бол томади.

— Сиҳатгоҳимиз 1947 йилда ташкил этилган, — дейди бош шифокор. — Бу ерда асосан юрак, қон-томир, таянч ва ҳаракат, асаб системаси, тери, ички безлар ва модда алмашинуви бузилиши оқибатида келиб чиқадиган ҳамда аёллар ва эркаклар жинсий органлари касалликлари олтингугуртли сув билан даволанади. Ер остидан чиққан 26 даража иссиқликдаги сувни биз 37 даражага келтириб ванналарга узатамиз. Беморлар хасталик тури ва ҳолатига қараб, 8-15 дақиқа ванна қабул қиладилар. Шифобахш сув қон айланишини яхшилаб, юракка қувват бўлади. Қандли диабетнинг 1- ва 2- босқичларини тўла даволайди. Простатит (эркаклар жинсий органидаги шамоллаш)га олий даражада ёрдам беради. Тери касаллигига дучор бўлган беморларга сув билан даво берилади. Олтингугуртли сувга қўшимча равишда марваридли ванна, уқалаш, қора парафин ва физиотерапия муолажалари ҳам кишилар саломатлигини тиклашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Мен профессор Наби Мажидовга шогирд бўлганимдан фахрланаман. У киши билан ҳамкорликда йиллар давомида асаб касалликларига доир тажрибалар ўтказиб, қониқарли натижалар олганмиз. Бундан ташқари, хафақонлик ва бепуштликка доир илмий ишлар ҳам қилинган.

— Чиндан ҳам йўлланма баҳоси 30 минг сўмми?

— Аввалига 10 кунга 45-50 минг сўм эди. Қарасак, бу нарх баъзиларга оғирлик қилгандай. Сиҳат-саломатлик йили бошида жамоа билан маслаҳатлашиб, нархни 25-30 мингга тушириб, тажрибадан ўтказишга қарор қилдик. Орадан кўп ўтмасдан сиҳатгоҳ даволанишга келувчилар билан тўлиб кетди. Уларга яна бир қулайлик туғдириш мақсадида йўлланмани шу ернинг ўзида ҳам сотишга имкон яратдик. Нархни тушириб, ютқазганимиз йўқ, қайтанга инқироздан чиқиб олдик. 2004 йилда 1,5, 2005 йили эса 3 мингга яқин беморлар шифо топиб кетишди. Бу йилгисини ҳали ҳисоблаб чиққанимизча йўқ. Даромадимиз ҳам чакки бўлмади. 7 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширдик. 4 млн. 510 минг сўмга дам олиш хоналарига қўйиладиган диван, креслолар, 15 та рангли «Самсунг» телевизорлари, йўлакларга тўшаш учун гилам-поёндозлар харид қилдик. Телевизорларни истаган беморлар хонасига бир кунга 500 сўм тўлаш шарти билан ўрнатиб берамиз. Оилавий даволанувчилар учун 45 минг сўмлик йўлланмалар жорий этдик. У ҳам яхши натижалар бермоқда. Шу кунларда бизда даволанаётган яқинларини кўргани келувчилар учун 7 хонадан иборат меҳмонхона қуриш тараддудидамиз. Чунки қўшни давлатлардан ҳам бизда даволаниш истаги билан мурожаат қилганлар анчагина.

— Озиқ-овқат масаласи-чи?

— Уч маҳал бериладиган иссиқ овқатнинг бир кунлик баҳоси 1,5 минг сўмни ташкил этади. Яъни 10 кунда 15 минг сўм. Айтиш керакки, овқат пули ҳам йўлланма нархига киритилган. Яъни 30 минг сўмлик йўлланмадан 15 минг сўмни айириб ташласак, даволаш ва муолажага 15 минг сўм қолади. Бу жуда арзон баҳо. Шунинг учун ҳам бизда жойлар ҳамиша банд. Халқона қилиб айтадиган бўлсам, одамларни ўзимизга ўргатиб олдик. Турли витаминларга бой ва янги келтирилган маҳсулотлардан тайёрланган озиқ-овқатлар барчага манзур шекилли, шикоятлар йўқ.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамоа қандай ният билан меҳнат қилмоқда?

— Юқорида қайд этиб ўтилган чора-тадбирларни такомиллаштириш биринчи галдаги вазифамиздир. Қолаверса, шифокорларимиз аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, тарғиботини кучайтиришга ҳам катта ҳисса қўшишмоқда. Шу мақсадда ўзимизда ва жойларда уюштирилаётган суҳбатлар, учрашувлар ва савол-жавоб кечалари беиз кетмаяпти. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳар бир оилада, ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзи ҳукмрон бўлсин, деган яхши тилак билан кундалик фаолиятимизни бошлаймиз.

Суҳбат давомида ички имкониятда гап кўп экан-да, деган фикр кечади хаёлимиздан. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш давом этаётган бугунги кунда масъулияти чекланган «Чимён» профилакторийси иш тажрибаси эътиборга сазовордир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт



Хонқалик боксчи

Урганч Олимпия захиралари коллежи фаолият бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа вақт мобайнида бу даргоҳдан бир неча иқтидорли спортчилар етишиб чиқди.

Хонқалик Руслан Жуманиёзов 2004 йилдан буён шу коллежда бокс спорти сир-асрорларини ўрганмоқда. Устозлари Н. Атаков ва Х. Тангрибергановлар унинг ҳар бир ютуғидан хурсанд.

У жорий йил Термиз шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида финалгача етиб келди, Тошкентда бўлиб ўтган халқаро турнирда эса ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Яқинда Ханой шаҳрида ўсмирлар ўртасида якунланган Осиё биринчилигида ҳам муваффақиятли қатнашди. Ҳамюртимиз Қозоғистон ва Хитой боксчиларини катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Фақат ҳиндистонлик боксчига имкониятни бой бериб қўйди ва бронза медали билан тақдирланди.

Қитъа биринчилигида ўттиздан ортиқ мамлакатдан 125 нафар боксчи қатнашганди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Томскда шахмат беллашуви

Россиянинг Томск шаҳрида Пётр Измайлов хотирасига бағишланган анъанавий шахмат фестивали бошланди.

Ўнинчи бор ўтказилаётган мусобақада иштирокчилар тезкор шахмат бўйича икки даврали мусобақаларда дона сурадилар. Унда ҳамюртимиз Рустам Косимжонов, украиналик Руслан Понамарёв ва Сергей Корякин, молдавиялик Виорел Бологан, россиялик Александр Морозевич ва Сергей Рублевский сингари тажрибали гроссмейстерлар баҳс юритмоқдалар.

Машҳура МАМАНОВА.

Жаҳон кубогидан олтин медаль билан

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида самбо кураши бўйича якунланган жаҳон кубогидан ҳамюртларимиз медаллар шодаси билан қайтишди.

Мураббий Равшан Аҳмеджонов шогирдлари жаҳон кубогида 9 та медаль соҳиби бўлишди. Айниқса, Акром Эшов ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Қизлар ўртасида Наргиза Эшматова кумуш медалга эгалик қилган бўлса, етти нафар полвонимиз бронза медали билан кифояланди.

Зидан болалардан кечирим сўради

Германияда футбол бўйича якунланган жаҳон чемпионатининг энг яхши ўйинчиси, деб эътироф этилган ва «Олтин тўп» билан тақдирланган Зайниддин Зидан яна дунё аҳли нигоҳида.

Эсингизда бўлса, франциялик «чарм тўп» устаси жаҳон чемпионатининг финалида Италия терма жамоаси ҳимоячиси Марко Матерацци кўксига калласи билан зарба берган ва бу ҳаракати учун ҳакам томонидан майдондан чиқариб юборилган эди.

Зайниддин Зидан мамлакат телевидениесида тўғридан-тўғри чиқишида ўша вақтда нима воқеа юз берганлиги тўғрисида мухлисларини огоҳ этди.

Унинг айтишича, рақиби уни қўпол сўзлар билан ҳақорат қилган, навбат онасига етиб келганида у ўзини тутиб туролмаган. «Асабларимни жиловлашга ҳарчанд ҳаракат қилдим, дейди тажрибали футболчи. — Лекин онамни ҳақорат қила бошлаганида чидолмадим. Бу ёғига воқеалар жуда тез юз берди. Мен ўзимни оқламоқчи эмасман. Шу куни финал мусобақасини дунёдаги миллиардлаб ишқибозлар кузатишди. Уларнинг орасида минглаб ёш болалар бўлиши ҳам табиий. Мен улардан кечирим сўрайман. Матераццидан эса ҳеч қачон кечирим сўрамайман. Чунки у менинг энг яқин кишиларим шаънига ёмон сўзлар айтди».

Ушбу можаро сабабларини ФИФА президенти Йозеф Блаттер бошчилигидаги комиссия ўрганмоқда. Агар италиялик футболчининг айби тасдиқланса, у катта миқдордаги жаримага тортилади, аксинча бўлса, Зидандан «Олтин тўп» олиб қўйилиши мумкин, деган фикрлар ҳам билдирилаяпти.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

И славянские обои
Российский линолеум
производства
ОАО «ЩекиноАзот»
г. Тула
тел. 134-48-11,
факс 134-49-58.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР!
ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ
Қашқадарё филиали томонидан ҳар ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2005 йил 11 мартдаги 18-0504/0126-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган Яккабоғ тумани «ЯККАБОҒ ТЎҚИМАЧИЛИК ФАБРИКАСИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ МУЛКИЙ МАЖМУАСИ ҲАМДА БОШҚА МОЛ-МУЛКЛАРИ 1 300 000 000 СЎМ БОШЛАНҒИЧ НАРХДА ҚЎЙИЛГАН.
Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг Универсал биржа марказида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар ушбу объектларни харид қилишингизда сизнинг хизматингизда бўладилар.
Савдода қатнашиш тартиби, шарт-шароитлари ва қизиқтирган саволлар билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин:
Қарши ш., И. Мўминов к., «Наргиза» маиший хизмат уйи. Тел./факс: (8-375) 227-20-28.
Тошкент шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, I-уй. Тел./факс: 138-69-70.

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА ТИББИЙ ДИАГНОСТИК ТЕКШИРУВИ
64-КЕСИМЛИ МУЛЬТИСПИРАЛ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИ
1-СОН МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНА КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯ БЎЛИМИ
мультиспирал компьютер томография текширувларини таклиф килади!
- ички аъзо ва тизимлар текшируви;
- переферик томирлар текшируви;*
- юрак ва юрак-қон томирлар текшируви;*
- юрак ишемия касаллигининг келиб чиқиш хавфи даражасини аниқлаш;
- бош мия қон билан таъминланиши (перфузия) текшируви;*
- суякнинг минерал таркибини аниқлаш (остеопороз);
- йўғон ичак текшируви (виртуал колоноскопия).
* Контраст моддаси билан.
МУЛЬТИСПИРАЛ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯ бўлимига кириш лойиҳаси
МКШ № 1
1-сон Марказий клиник шифохона, қабулхона телефони: 64-84-00. МКТ бўлими (6-бино) Телефон: 161-07-82.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

МЕВА ва САБЗАВОТЛАР учун ПЛАСТМАССА ЯШИКЛАР сотилади.
Телефонлар: 64-98-06, 186-21-76.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Зиёдулла Раҳмонович Мўминовга отаси **Раҳмонжон ота МЎМИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Кино арбоблари бирлашмаси театр ва кино актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусовага онаси **АЗИЗА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши жамоаси Кенгаш котибияти раҳбари Б.Р.Ашуралиевга волидаи муҳтарамаси **МАЪМУРАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдуллажон Маҳамматовга волидаи муҳтарамаси **САБОХОН аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 12345